



17.10.2022 даги

ООО "LOYINA STRUKTURA" ва Хазорасп туман Ободонлаштириш бошкармаси ўртасида 37210000,00 сўм
умумий суммага тузилган 9 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 110
Шахсий газна ҳисобварақ 401722860332207065200110010

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4239000			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь	37 210 000,00			37 210 000,00
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	37 210 000,00			37 210 000,00

Жами 37210000,00 сўм

Ўттиз етти миллион икки юз ўн минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 11163000,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан
70 % ***2022 октябрь ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига — % жорий ойнинг — санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун ҳужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери

Газначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

(имзо)

« » 20 й.

Рузметов Азад Камунович
Ф.И.Ш.

Кушназаров Камилжон
Ф.И.Ш.

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

« » 20 й.

Келгусида «Буюртмачи» деб номланувчи «Хазорасп тумани Ободонлаштириш бошқармаси» номидан Низом асосида иш юритувчи директор Рўзметов Азад Камунович бир томондан, келгусида «Лойихачи» деб номланувчи «LOYINA STRUKTURA» маъсуляти чекланган жамиятиномидан иш юритувчи директор Матниёзов Матниёз Каримберганович иккинчи томондан, ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПК-5072-сон ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021-йил 22-апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорига»асосан «Хазорасп тумани Наврўз маҳалласидан кесиб ўтувчи Ўзбекистон овози кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш объекти ЛСХ ишлаб чиқиш»объектига лойиха-кидирув ишларини ишлаб чиқиш шартномасини туздилар.

1. Шартноманинг мазмуни

1.1. Лойихачи Буюртмачининг лойихалаш топшириғи бўйича ишчи лойиха-кидирув ишларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади.

1.2. Буюртмачи лойиха-смета ишларини бажариш учун топширик бериш, зарур бўладиган бошланғич маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш, белгиланган тартибда ва миқдорда ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.3. Лойихачи кўрсатиб ўтилган ишларни «Корхона, бино ва иншоотлари лойиха смета ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш» ҳақидаги 1.03.01-03 ШНҚ қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

2. Ишларни бажариш муддати

2.1. Лойихачи ишларни дастлабки аванс тўлови амалга оширилган кундан бошлаб бажаришга киришади.

2.2. Мазкур шартномада ЛҚИни тайёрлаш муддати, ишлар бошланган кундан бошлаб 5 кун этиб белгиланади.

2.3. Буюртмачи томонидан топширик, бирламчи маълумотларни бериш ва Лойихачи томонидан Буюртмачининг топшириғи бўйича иловадаги кўчаларни ишчи ЛҚИ ишлаб чиқиш, амалдаги тартиб қоидалар бўйича топшириш муддатларини томонлар календар жадвалда белгилайдилар ва у шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

3. Шартнома баҳоси.

3.1. 3.1 Мазкур шартнома бўйича Лойихачи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил «13» октябрдаги «№160041» сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда ҚҚС билан жорий нархларда 37 210 000 (ўттиз йетти миллион икки юз ўн минг сўм) сўмни ташкил этади.

4. Тўлов шартлари.

4.1 Шартномада миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши белгиланади, тўловлар тўғридан-тўғри Лойихачи ҳисоб рақамига пул ўтказиш орқали амалга оширилади.

4.2. Мазкур шартнома бўйича мақсадли аванс, ишлар умумий қийматининг 30 фоизини ташкил қилади ва 5банк иш куни муддатида тўлаб берилади.

4.3.Буюртмачи мазкур шартномада белгиланган ишлар тўлалигича бажарилиб, ҳажми, сифати ва Лойихачининг ҳисоботи текширилиб, Давлат экспертизаларидан ўтказилиб, аниқланган камчилик ва хатолар, билдирилган эътирозлар бартараф қилиниб ижобий хулосалар олиниб ҳисоб-фактура имзолангандан кейин шартнома қиймати доирасида илгари берилган авансни ҳисобга олган ҳолда якуний тўловни амалга оширади.

5. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича уз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни тақлиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларини содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қийматликлар ёки мулкий наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймадлиқ бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

Лойихачининг мажбуриятлари:

5.1. Лойихалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартномада белгиланган Буюртмачига топшириш мажбуриятларини олади.

5.2.Объектни ЛҚИ ҳужжатларива нуқсонлар далолатномаларини тайёрлаб, Буюртмачи билан биргаликда фойдаланиш ташкилотлари (электртармоқлари корхонаси, водоканал, райгаз, ёнғин хавфсизлиги назорати), тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш.

5.3.БуюртмачинингрозилигисизЛҚИ ҳужжатлариниучинчи шахсларга бермаслик.

5.4.ТайёрланганЛҚИ ҳужжатларисосида учинчишахсларда ишни бажаришга қаршилиқ қилишёки бажаришни чеклашҳуқуқи йўқлигини кафолатлайди.

5.5. Буюртмачи томонидан тақдим қилинган дастлабки ва бирламчи маълумотларни, муҳандислик қидирув хулосаларини, Буюртмачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик, улардан фақат ушбу шартномадаги предметда фойдаланиш мажбуриятини олади.

5.6. Объектда қурилиш ишлари тўлалигича якунлангандан сўнг, ишчи комиссиясига Лойихачи объектнинг ЛҚИ ҳужжатлари асосида қурилганлиги тўғрисида хулоса тақдим қилиш.

5.7. ЛҚИҳужжатларини бир-бирига мутаносиблиги (мос келиши) ва иш ҳажмларини ишчи чизмаларида берилган иш турлари мослиги ШНҚ талабларига жавоб беришига лойихачи ташкилоти буюртмачи ва пудратчи олдида жавобгардир.

Буюртмачининг мажбурияти:

5.8. Лойихачидан олинган ЛҚИ ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, ЛҚИ ҳужжатларини Лойихачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик.

5.9. Шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартномани 1.1-бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва бажарганлиги учун Лойихачига ҳақ тўлаш.

5.10. Лойихачига лойиха ишларини бажаришда ушбу шартномада назарда тутилган ҳажмда ва шартларда хизмат кўрсатиш.

5.11. Тайёр бўлган ЛҚИ ҳужжатларинитегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари билан келишиб олишда Лойихачи билан бирга қатнашиш.

5.12. Лойихачига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар сабабли лойиха ишларини бажариш учун бошланғич маълумотлар ўзгариши билан боғлиққўшимча ҳаражатларни Лойихачига тўлаш.

5.13. Тайёрланган ЛҚИ ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзгатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Лойихачини жалб қилиш.

5.14. Лойихачининг ҳуқуқлари:

- ЛҚИ ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида зарурат бўлса айрим махсус қисмларини бажариш учун ёрдамчи (субподрядчикларни) жалб қилишга ҳақлидир.

6. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

6.1. Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида календар жадвал бўйича амалга оширилади.

6.2. Лойихачитомонидан топширилаётган ва расмийлаштирилаётган ҳужжатлар руйхати техник топшириқда аниқланади.

6.3. Лойихачи ишларни бажариб бўлгач, Буюртмачига техник топшириқда кўрсатилганидек топшириш - қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб битта электрон вариант ва 2та нусхада ҳужжатлар комплектини ҳисобот билан тақдим этади.

6.4. Буюртмачи мазкур шартномада кўрсатилганидек, топшириш - қабул қилиш далолатномасини ва ҳисобот ҳужжатлари бажарилган ишларни 5 кун мобайнида қабул қилиш мажбуриятини олади ва Лойихачига имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш-қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

6.5. Бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш давомида буюртмачининг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг руйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгилловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

6.6. Агар ишларни бажариш жараёнида, кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 кун мобайнида бир-бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган мажбуриятлар юқланади.

6.7. Ҳисоб-китоблар қилишнинг муддати келганлиги, томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

6.8. Бажарилган ишлар (босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар аниқланганда лойихачи уларни беғараз бартараф этади.

6.9. Агар Лойихачи тўхтатган босқич учун ҳисобот бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

7. Тарафларнинг жавобгарлиги.

7.1. Лойихачи ЛҚИ ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган ЛҚИ ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир ва камчиликларни бартараф қилиш учун қилинган харажатларни қоплайди.

7.2. ЛҚИ ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда, Лойихачи Буюртмачининг талаби билан 10 кун муддатда ЛҚИ ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

7.3. Томонларнинг мажбуриятларини бажармаганлиги ёки етарли даражада бажармаганликлари учун жавобгарликлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги» қонунга, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.4. Лойихачи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечиктирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

7.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

8. Бартараф этиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс - мажор).

8.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган бошқа кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига беvosита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

8.2. Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, Лойихачи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар. Агар томонлар икки ой мобайнида бир тўхтамага кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

9. Қўшимча шартлар

9.1. Буюртмачи 1.1- бандда кўрсатилган объектдан ташқари, Лойихачитомонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, Лойихачи олинган бирламчи маълумотлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

9.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

10. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

10.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга кирилади ва унинг шартлари тўлиқ бажарилгунча ўз кучида қолади.

10.2. Шартноманинг муддати тугашига қарамай, томонлар жавобгарликдан озод этилмайди.

10.3. Шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 йилгача.

11. Бахсларни ҳал этиш тартиби

11.1. Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган бахслар ўзара муҳокама қилиниб келишувга эришиши имконияти бўлмаган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.

12. Шартномани ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш тартиби ва бекор қилиш тартиби.

12.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

12.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига кўра, етказилган зарарни қоплаш шarti билан йўл қўйилади.

12.3. Лойихачининг айби билан ишларнинг бориши тўхтаб қолса ва ишларнинг тугатилиши шартномада белгиланган муддатдан бир ойдан ошиб муддатга кечиктирилса, берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати мавжуд талабларга жавоб бермаса, Буюртмачи шартномани бекор қилишга ҳақли.

12.4. Лойихачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари Буюртмачи томонидан бир ойдан ошиб муддатга тўхтатилса, Буюртмачи лойихалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса, Лойихачи шартномани бекор қилишга ҳақли.

12.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган томон иккинчи томонга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юборади, иккинчи томон 10 кунгача эътироз билдирмаса шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

13. Томонларнинг реквизитлари:

Буюртмачи:
 “Хозарасп тумани Ободонлаштириш
 бошқармаси
 Хозарасп тумани А.Навоий кўчаси 1-уй
 Телефон: (62)33-21-870
 ш/х/р: 401722860332207065200110010
 СТИР 206944002
 ОКЭД: 61110
 Молия вазирлиги ягона ғазна ҳисоб varaғи
 х/р: 23402000300100001010
 Банк М/Б ХККМ Тошкент шаҳри
 МФО: 00014
 ИНН: 201122919
 Бошлик: А.Рузметов



Handwritten signature of A. Ruzmetov

Лойихачи:
 “LOYINA STRUKTURA” МЧЖ
 Тошкент ш. М.Улуғбек тумани,
 Мустакиллик-42
 х/р: 2020 8000 5002 7404 3001
 АТИБ Ипотекабанк Тошкент ш. Филиали.
 МФО: 00419
 СТИР: 302792 937
 ОКЭД: 71120
 Тел: 93-386-87-19



Директор: М.Матниёзов

Handwritten signature of M. Matniyozov

2022-йил 12 10 даги
 №9-сонли шартномага 1-илова

“Хозарасп тумани Наврўз маҳалласидан кесиб ўтувчи Ўзбекистон овози кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш объекти ЛСХ ишлаб чиқиш” бўйича лойиха ишларини бажариш

ГРАФИГИ

№	Объект номи ва манзили	Ишлар тури	Ишлар қиймати жами, минг сўм	шу жумладан 2022 йил		қурилиш давомиди
				октябр	ноябр	
1	2	3	4	5	6	7
	“Хозарасп тумани Наврўз маҳалласидан кесиб ўтувчи Ўзбекистон овози кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш объекти ЛСХ ишлаб чиқиш”	лойиха-смета ишлари	37 210 000	37 210 000	-	-
	ЖАМИ:		37 210 000	37 210 000	-	-

Буюртмачи:

Бошлик: А.Рузметов



Handwritten signature of A. Ruzmetov

Лойихачи:

Директор: М.Матниёзов



Handwritten signature of M. Matniyozov

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

QX3824811015

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **PUDRAT ShARTNOMASI (LOYIHA STRUKTURA)**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: XAZORASP TUMANI HOKIMLIGI HUZURIDAGI OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI tomonidan 18.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Hazorasp tuman
yuridik xizmat
ko`rsatish markazi
bosh yuristkonsulti:**



Z.SH.NIYOZMATOV

18.10.2022